

Диний таълим муассасаларига абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш тартиби



10:13 / 11.06.2020 1643

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус ислом таълим муассасаларига 2020-2021 ўқув йили учун абитуриентлар ҳужжатлари масофавий тарзда qabul.muslim.uz сайти орқали қабул қилинади. Бу ҳақда muslim.uz сайти хабар берди.

Ўрта махсус ислом таълим муассасаларига:

- 2020 йилнинг 15 июнидан 5 июлигача (шу куни ҳам).

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- паспорт (электрон шаклда);
- аттестат ёки диплом (академик лицей, ўрта махсус касб-ҳунар коллежини тамомлаганлик тўғрисида) электрон шаклда;
- тил билиши тўғрисидаги сертификат (аттестат ёки дипломида ёзилган чет тилидан бошқа хорижий тилда топширмақчи бўлганлар учун) электрон

шаклда.

Олий диний таълим муассасаларига:

- Тошкент ислом институти ва Мир Араб Олий мадрасасига 2020 йилнинг 15 юнидан 15 июлигача (шу куни ҳам);
- Ҳадис илми мактабига 2020 йилнинг 15 юнидан 5 июлигача (шу куни ҳам).

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- паспорт (электрон шаклда);
- ўрта махсус ислом таълим муассасасини тамомлаганлик тўғрисидаги ҳужжат (диплом) электрон шаклда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Таълим ва илмий-тадқиқот бўлими